Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 6 декабрь, шанба • № 97 (10.976) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

"ЎЗБЕКИСТОН"

ҚАЛБИМИЗГА ЖО БЎЛГАН САНА

МАМЛАКАТЛАР, миллатлар, халқлар тарихида шундай алоҳида воқеалар, диққатга молик саналар учрайдики, уларнинг буюк аҳамияти асрлар оша ҳам унут бўлмайди. Улар халқ оммасининг хотирасидагина эмас, ишларида ҳам мангу яшайверади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул этилган кун ҳам абадул-абад ана шундай энг муҳим сана ҳисобланади. Зеро, давлатимизнинг Асосий Қонуни мустақиллик, янги замон ва истиқбол туфайли ижтимоий адолат ва фуқаролар бахт-саодати йўлидаги орзу-умидлар тимсолидир.

...1992 йилнинг 8 декабрини ҳамон ҳаммамиз алоҳида шуур билан эслаймиз. Ўша сешанба куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида давлатимизнинг моҳиятан ва мазмунан мутлақо Янги Конституцияси тантанали равишда, гулдурос қарсаклар остида қабул қилинган эди. Олий Кенгаш қарорига биноан баайни ўша кун — УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ деб эълон қилинди.

Ўшандан буён орадан жуда қисқа муддат, атиги беш йил ўтди. Лекин, бу давр мобайнида республикамиз ҳаётида, халқимиз тақдирида жуда катта, айтиш мумкинки, инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон халқаро майдонга чиқди. Ўзбекистон жаҳонни, жаҳон эса Ўзбекистонни кашф этди. Мамлакатимиз энг нуфузли халқаро ҳамжамият — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва бошқа бообрў халқаро маҳкамаларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди. 170 дан зиёд хорижий давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Пойтахтимизда жуда кўп мамлакатларнинг элчихоналари ҳамда ваколатхоналари фаолият кўрсата бошлади. Қисқаси, она-Ватанимизнинг буюк салоҳияти, хайрли саъй-ҳаракатларига бутун олам астойдил тан берди.

Яна бир кундан сўнг мамлакатимизда миллионлар қалбига жо бўлган ана шу сана — Ўзбекистон Конституцияси куни тантанали равишда нишонланади. Бу айёмга беистисно ҳамма ерда ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрилди. Бизнинг Тошкент вилоятимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа хўжаликлари, ўқув даргоҳлари, муассасалар, шаҳарлар, қишлоқлар, маҳаллаларда уюштирилган учрашувларда, илмий анжуманларда, мулоқотларда ҳам Бош Қомусимизнинг мазмун ва моҳияти яна бир бор катта гурунглар мавзусига айланди. Уларнинг ҳаммасида Асосий Қонунимизнинг давр синовидан, халқаро имтиҳонлардан муваффақиятли ўтаётганлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат, иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларига ўтиш, техника ва технология соҳасидаги ютуқлар, қишлоқ хўжалигини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, маънавият, маърифат, таълим-тарбия, миллий кадрларни тайёрлаш ва бошқа жабҳалардаги дастуриламаллар республикамиз аҳлининг, қолаверса, дунёдаги манаман деган сиёсатчилар, иқтисодчилар, назариётчилар, мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлди. Она диёримиз қиёфасининг кун сайин ўзгариши, шаҳарларимиз ва қўрғонларимизнинг ўзгача чирой очаётганлиги, кўҳна обидаларимизнинг қайта таъмирланиб, меъморчилигимизнинг равнақ топаётганлиги, мулкчилик шаклларининг тамойилга кирганлиги, қатор йирик қўшма корхоналарнинг вужудга келганлиги, хўжалик юритишда заковатли услубларнинг жорий этилаётганлиги — ҳамма-ҳаммаси республикамиз танлаб олган ўзига хос ва мос йўлнинг улкан самараларидир, деб бемалол айтиш мумкин. Бундай бунёдкорликлар, ана шу Конституциямизда ифодасини топган умумбашарий қоидалар асосида амалга оширилмоқда.

"Биз ўз тараққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олишимиз лозим, — деган эди Президентимиз — Конституцияни тайёрлаш комиссиясининг раиси Ислом Каримов ўша ўн биринчи сессияда сўзлаган нутқида. — Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямизнинг қандай бўлишига боғлиқдир. Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онгини ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир".

Худди шундай. Мазкур Асосий қонунимизда умуминсоний қадриятларга ихлос, она-Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига садоқат, озод яшаш ва эркин меҳнат қилиш, халқимиз анъаналарини эъзозлаш сингари ажойиб фазилатлар ўзининг ёрқин аксини топди. Юртимизга хос қардошлик, ўзбекона бағри кенглик, дўстлик удумлари, бой ва теран тарихимиз тажрибалари, келажакни аниқ кўра билишдек нодир сезгирлик каби нуқтаи назарлар ҳам ушбу ҳужжатдан кенг ўрин олди.

Янги Конституциямиздаги инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига фидойилик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият, ўзбек давлатчилиги қадимий манбаларига таяниш, демократия ва унинг устуворлигини ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган андозаларини тан олиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш, халқлар тинчлиги ва миллий тотувлигини кафолатлаш сингари олижаноб тамойиллар ҳамиша-ҳамрўз давлатимиз раҳбарияти, меҳнаткаш халқимиз учун энг муқаддас вазифалар бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Йўлбошчимиз айтганларидек, айни кунларда ҳам халқимиз тинчлик ва фаровонлик ғояларини маслак ва мақсад этиб яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Биз унинг хоҳиш-иродасини бажонудил адо этиш учун бутун борлиғимизни бахшида этсак, арзийди.

ВАТАН ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАРИНИ АРДОҚЛАЙДИ

Президент Ислом Каримов Фармонига кўра Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллик байрами арафасида республика иқтисодиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун юртдошларимиздан катта бир гуруҳи ватанимизнинг юксак орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Шунингдек, тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги, мусиқа санъати соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун бир гуруҳ ижодкорлар Камолиддин Беҳзод ҳамда Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотларига сазовор бўлган эди.

5 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Аввламбор, бугунги муборак кунда, ҳаётимиз Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида сиз азизлар билан кўришганимдан ғоят мамнун эканлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Мустақиллигимизга, мамлакат ва миллатимизнинг буюк келажагига кафолат берадиган, бизнинг энг олий мақсад ва эзгу ниятларимизни ҳимоя қиладиган Конституция қабул қилинганига беш йил тўлмоқда.

Бу муборак санада давлатимизнинг олий мукофотлари билан тақдирланган ватанимизнинг фидойи фарзандларини муборакбод этиш яхши анъанага айланиб қолди.

Мен учун бугун сиз, азизларни тақдирлаш, Ватанимизни нишонларини топшириш, сизларни бағримга босиб муборакбод этиш — катта қувонч, катта бахт, — деб таъкидлади йўлбошчимиз.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, фан, миллий маданият, санъат ва адабиётни юксак чўққиларга кўтариш мустақил мамлакатимиз баркамол қиёфасини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Бугунги кунимизнинг энг катта ютуғи ва нишонаси мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ислоҳотлар ҳар бир фуқаро қалби ва онгига бевосита кириб бораётир, десак муболаға бўлмайди.

Ислоҳотларимизнинг ютуғи мамлакатда барқарорликни сақлаганимиз, иқтисодиётни ривожланиш йўлига олиб чиққанимиз, миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдеворини яратганимиз билангина эмас, балки ана шу ислоҳотлар мазмун-моҳиятининг чуқурлиги, улар ҳар бир фуқаро, ҳар бир тирик жон туйғулари, мақсадлари, орзу ва умидларида ўз ифодасини топгани билан алоҳида мавқега эга бўлмоқда. Ислоҳотларимизнинг маънавий кучи, қадру қиймати ана шу билан белгиланади.

Бугун ватандошларимиз ана шундай буюк яратиш, ижод қилиш, бунёд этиш ишида фаол иштирок этмоқдалар. Ўз соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бугун ана шундай ҳақиқий ватан фарзандларининг 600 дан кўпроғи давлат мукофотларига сазовор бўлишди. Улардан тўрт нафарига "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвони берилди.

Ҳалол меҳнат қилган, ўз тақдирини Ватан ва миллат тақдири билан боғлаган, ана шу мўътабар хонадонимиз — ҳаммамиз учун қадрдон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратиш орзу-умиди билан яшаётган асл фарзандларни ҳар қанча тақдирласак ва улуғласак арзийди, албатта.

Бугун сизнинг очиқ чеҳрангизга қараб туриб, элга хизмат қилиш, ўз куч-ғайратингни, билим ва маҳоратингни Ватан равнақи йўлида сафарбар қилиш — энг олий бахт, шон-шараф эканини яна бир бор чуқур ҳис қилаяпман, деб қайд этди Ислом Каримов.

Сизларга беқиёс ҳавас билан қараяпман. Айни пайтда ана шундай елкадошларим, ана шундай сафдошларим, ҳамфикру маслакдош дўстларим борлигидан кўнглим тоғдек кўтарилади. Демак, биз танлаган йўл — халқ йўли, ҳақ ва ҳақиқат йўли, келажагимиз эса чиндан ҳам буюк эканлиги шубҳасиз.

Муборак айём — Конституция куни билан сизларни яна бир бор қизғин табриклайман. Давлатимизнинг олий мукофотлари ҳаммангизга муборак бўлсин, дейман.

Президент Ислом Каримов йиғилганларнинг олқишлари остида

Қўқон шаҳридаги 13-ўрта мактаб математика ўқитувчиси Манзура Мадалиева, Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғруқхонасининг гинекология бўлими мудири Онесия Саитова, "Тошкентуйжойинвестқурилиш" корпорацияси "Тошмахсуспардозлаш" акциядорлик жамияти 42-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи Холхўжа Умаров ва Хоразм вилояти, Боғот туманидаги "Боғот" жамоа хўжалиги раиси Машарип Қуваковга Ватанимизнинг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони гувоҳномаси ва "Олтин юлдуз" нишонларини топширди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, маориф, спорт ва санъат соҳалари намояндалари, ҳарбийлардан бир гуруҳи давлатимиз раҳбари қўлидан юксак мукофотларни олиш шарафига муяссар бўлдилар.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Озод Шарафиддинов, Машарип Қуваков, Саид Аҳмад, Ёқуб Аҳмедов, Раҳима Мазоҳидова, Гулчеҳра Йўлдошева, Вера Дуюнова, Ольга Овчинникова, Онесия Саитова, Георгий Абдураҳмонов, Ўктамхон Воҳидова ҳурмат-эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ватанимиз равнақи йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар. Зеро, озод Ватанимизда ҳар бир фуқаро ғамхўрлик остида. Меҳнаткаш ҳар бир инсон қадр топмоқда.

— Шу ватан, шу халқ учун хизмат қилишдан улуғ бахт йўқ, — деди Ислом Каримов ўзининг якунловчи сўзида. — Биз барчамиз ҳамжиҳат, аҳил ва фидойи бўлсак, кўзлаган буюк ниятларимизга, албатта етамиз.

Бугун мукофотланганлар орасида турли миллат, турли касб эгалари бор. Юртимиз тинч ва осойишта. Бу тинчлик ва осойишталикни мана шу ерда ўтирганлар вакили бўлган фидойи халқимиз яратган. Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган олти йил бизни кўп нарсага ўргатди. Биз ҳеч қачон бу улуғ неъмат — истиқлол йўлидан воз кечмаймиз.

Маросимда Олий Мажлис Раиси Э. Ҳалилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ў. Раҳматов, Т. Рисқиев, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

5 декабрь куни Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

Шу кунларда мамлакатимизда Ватан ва миллат тараққиётининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу сана ҳақиқатан ҳам биз учун муқаддасдир. Чунки Конституциямизнинг ҳар томонлама пухта ва мукаммал ишлаб чиқилгани боис қисқа муддат ичида Ўзбекистон порлоқ келажак сари дадил одим ташлади.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва обрўси мустаҳкамланиб бормоқда. Инсонпарвар,демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, ўзимизга хос ва мос йўлдан бориш аввало Ўзбекистонда тинчлик ва хотиржамликни таъминлади, фуқаролар тотувлиги мустаҳкамланди, барча соҳада ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлади.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда Асосий Қомус — Конституциямиз амалда ишлаётганлигининг ифодасидир. Биз келажаги буюк давлат қуриш йўлидан бораётган эканмиз, ана шу орзуга олиб борувчи йўлларни мунаввар қилгувчи Конституциямизни қадрлашимиз, унда ўз ифодасини топган қонунларга амал қилиб боришимиз ва ижросини таъминлашимиз лозим.

Шуни дадил айтиш мумкинки, республикамизнинг барча халқи катори Тошкент вилояти меҳнаткашлари ҳам Конституциямизнинг беш йиллиги байрамини ҳар томонлама муносиб кутиб олмоқдалар. Ўтган даврда саноат, қурилиш тармоқларида, ижтимоий соҳаларда бир қатор қувончли натижаларга эришилди. Энг муҳими вилоятда ислоҳотлар ишлаяпти. Уларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнини мустаҳкамлаш йўлида янги-янги изланишлар олиб борилмоқда. 1997 йилда вилоятда, айниқса, халқ фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш йўлида катта ишлар қилинди. Маънавият, маърифат, маданият, қадрият, таълим масалаларига эътибор кучайтирилди. Айни вақтда вилоятимиз олдида янада катта вазифалар турипти. Уларни амалга ошириш, муаммоларни бартараф этиш учун вилоятда барча имкониятлар мавжуд ва улар ишга солинади.

Конституциямизнинг беш йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишда ана шулар ҳақида кенг тўхталинди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари муовинлари, вилоятдан сайланган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари, ҳуқуқшунослар, ишлаб чиқариш илғорлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят прокурори Орифжон Холматов "Конституция — ҳуқуқий-демократик жамият пойдевори" мавзуида маруза қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан республикамизнинг бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари ҳукуматимизнинг юксак орден, медаллари ва унвонлари билан тақдирланган эди. Уларнинг орасида Тошкент вилоятининг вакиллари ҳам бор. Шу куни Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев Ватаннинг юксак мукофотларини ўз эгаларига топширди. Шунингдек, вилоятдан сайланган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатларига Президентимизнинг Фармонига мувофиқ қабул қилинган "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонлари ҳам топширилди.

Дил изҳори

МЕН МУЛКДОРМАН

Очиғини айтиш керак. Бир вақтлари мулкдор бўлиш, бойлик орттириш катта айб, гуноҳ саналарди. Мустақиллик шарофати туфайли унга батамом барҳам берилди. Республикамиз Конституциясида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқийлиги кафолатланди. Биринчи марта мулк ва бошқа мулк шакллари дахлсизлиги таъмин этилди ва энг муҳими давлат ҳимоясига олинди.

Мен ҳам жамоада ишлаб деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиб юрган кезларимда бир парча бўлса ҳам ерга, ложи бўлса 10—15 та чорвага эгалик қилишни орзу қилиб юрардим.

Имконият бўлиб қолган эди, 1996 йилда оиламиз, яқинларимиз билан маслаҳатлашиб, уларнинг кўмаги, мадади билан жамоа хўжалиги чорвачилик фермасини хусусийлаштириб олдим. Ана энди ўйлаб қўйган режаларимни амалга ошириш, тадбиркорлик билан иш юритиш учун қулай шароит яратилди. Биз ҳаммамиз бирлашиб туриб, бу имкониятдан оқилона фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Чорва бош сонини кўпайтириб, маҳсулдорлигини ошириб, зотини яхшиламоқдамиз. Илгарилари ҳам фермада ишлаганман. Молбоқарлик, ҳатто соғувчилик ҳам қилганман. У пайтда чорвадорнинг дунёқараши бутунлай бошқача эди. Мендан нима кетди қабилида ишларди. Эндичи? Сут соғувчи ҳам, молбоқар ҳам, қўйингчи, бу ердаги ҳар бир чорвадор бу фермадаги мол, сигир ўзимизники, унга қанчалик яхши қараб, қанчалик кўп маҳсулот, даромад олсак, ҳам ўзимизга фойда, ҳам элга нафимиз кўпроқ тегади, деган ният билан ишлаймиз. Ана шу омил бизни кун сайин яхши ишлашга, ютуқларни мустаҳкамлашга ундайди. Мулкдорлик масъулияти деб шунга айтадиларда.

Жўра МАҲАМАТОВ,
Тошкент туманидаги Ғийс Умаров номли жамоа хўжалиги, "Роҳатой" хусусийлашган фермаси мудири.

ШУКРОНАЛИК

КЕКСАЛАР, уруш ва меҳнат фахрийлари жамиятимизда катта куч эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Буни ўз ҳаётим мисолида айтишим мумкин. Аллоҳ умр берса, шу йил тўқсонга қадам қўйдим. Ҳаётим асосан меҳнат қучоғида кечди. Узоқ йиллар Келес темир йўл бекатида меҳнат қилдим. Республикада хизмат кўрсатган темирйўлчи фахрий унвоним бор.

Тез-тез ойнаи жаҳондаги кўрсатувларни томоша қиламан. Якин хориждаги мамлакатларда кексаларнинг қийин аҳволга тушиб қолганлигини, ҳатто, аҳлатхоналар титаётганлигини кўриб, этим жимирлаб кетади. Бунинг акси ўлароқ, ўзимиздаги кексаларнинг эмин-эркин, яйраб яшнаб юрганликларини кўриб, қалбим қувончларга тўлади. Чунки, Конституциямизнинг 39-моддасида қайд қилинганидек, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгадир. Бундай жамиятни бизга конституциямиз берганлиги ҳаммага аён.

Унчалик муҳтож бўлмасам ҳам барибир ҳар ойда оладиган 2,5 минг сўмдан зиёд нафақа маблағи уй-рўзғор ишларини тебратишда бизга жуда катта далда бўлмоқда. Болаларим, набира-чевараларимдан чойчақа сўрашга ҳожат қолмайди. Бош Қомусимиз байрами нишонланаётган айни кунларда дилимдаги эзгу сўзларни айтмоқчиман. Биз кексаларга алоҳида эътибор берилаётганлиги учун Президентимиз ва ҳукуматимизга минг бора ташаккурлар бўлсин!..

Мирмаҳмуд ота МИРАҲМАД ўғли,
уруш ва меҳнат фахрийси.

КЎЗЛАРИМГА ТЎТИЁ...

...УМРИМ давомида кўп конституцияларни кўрдим. Аммо, ҳар қандай қонун-қоида ижроси билан қадрли, деган гап бор. Собиқ совет конституциясида инсон ҳуқуқи, унинг қадр-қиммати ҳақида фикрлар бор эди, буни тан олиш керак. Хўш, у амалда қандай бажарилди? Мен бир гувоҳ сифатида айта оламанки, аввалги тузум конституциясида миллий эркинлик, миллий тенглик чиройли қилиб белгилаб қўйилган бўлса-да, айнан ана шу миллий эркинлик ҳақида гапирган одам ё қамалди, ё қатағон қилинди. Кўзбўямачилик, алдов, қуруқ ваъдалардан иборат Қонун халқ ичида айланиб юрсада, лекин унинг қалбига кириб боролмади.

Мен ижодкорман. Бугунги ҳаётни кузатиб, баъзан юрагим тўлқинланиб кетади. Ҳар соҳада бўлаётган ўзгаришларни беихтиёр ўн беш-йигирма йиллар олдинги аҳвол билан солиштира бошлайман. Ўша собиқ иттифоқ конституцияси амал қилган пайтда бу қонуний ҳужжатга ишониб, ҳаёт ҳақиқатларини, миллий республикада инсон ҳуқуқлари топталаётганини кўрсатувчи асарлар ёзиб бўлармиди? Бунга уринган одам албатта, ҳаётдаги "ҳақиқатларни" бузиб кўрсатувчи шахс сифатида қаттиқ қораланарди. Буни мен ҳам ўз бошимдан ўтказганман...

Китобхонлар яхши билишади. "Қафансиз кўмилганлар" романим айнан ана шу давр ҳақида, ана шу кўзбўямачиликлар, ўзим гувоҳи бўлган турли воқеалар ҳақида. Эллигинчи йиллар бошида халқ душмани сифатида қамалганимни, оқланиб чиққаним, ўша даврларда менга ўхшаш ёзувчи ва бошқа зиёлиларга нисбатан адолатсизликлар кўп бўлганини бугун эсламоқчи эмасдим. Буларни юқоридаги "Қафансиз кўмилганлар"да батафсил ёзганман. Фақат, демоқчиманки, агар юртимизда мустақиллик бўлмаганида, бугунгидек мукаммал Асосий Қонун яратилмаганида бундай асарларни ёзиш ҳам, босиб чиқариш ҳам мумкин бўлмасди.

Асосий Қонун деб аталувчи муҳим ҳужжатни қўлимга олсам ўзимда ғалати бир ҳаяжон туяман. Кўпчилик ёшлар билмаслиги мумкин. Биз бу кунларга, бу эркинликларга осонликча эришмадик. Эҳтимол, Чўлпон, Қодирий сингари улуғ кишиларимиз ҳаёт бўлганларида бу ҳужжатни кўзларига суртиб, бағирларига босишарди. Ҳа, биз уни ўзбек тилини улуғлагани учун ҳам қадрлашимиз керак. Биз уни ўз бойлигимизга ўзимиз эга бўлганимиз учун ҳам кўзларимизга тўтиё қилишимиз керак. Биз уни ўз Ватанимизда ўзимиз мустақил бўлганимиз учун ҳам қадрлашимиз керак.

Юқорида айтганимдек, Қонуннинг кучи — амалдаги ижроси билан. Шунинг учун ҳар биримиз уни ўрганишгина қолмай, унга қатъий амал қилишимиз ҳам лозим. Уни муқаддас билмоқ керак. Чунки бизнинг Асосий Қонунимиз — не-не орзу-умидлар, азоб-уқубатлар эвазига қўлга киритилган Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, миллий қадриятларимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизни ривожлантиришга, дунёдаги тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишига йўл очувчи дастуриламалдир.

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти лауреати.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА ВА ИШЛАМОҚДА

***БУТУН** мақсади инсон манфаатларига, келажаги буюк демократик давлат барпо этишга қаратилган Ўзбекистон Конституциясининг беш йиллигини нишонлашга бутун республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам катта ҳозирлик кўрилди. Қатор ишлаб чиқариш жамоалари, ташкилотлар, муассасалар ходимлари, зиёлилар, олимлар, маҳаллалар аҳли умумхалқ байрамига муносиб ютуқлар билан келдилар. Айём шарафига жойларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари, тантанали тадбирлар ўтказилди.*

Шуниси эътиборга лойиқки, ҳаёт тарзимизнинг мезоний йўналишлари ўз аксини топган бу буюк ҳужжатни ўқиганимиз сари, у ўзининг янги-янги қирраларини янада яққолроқ намоён этмоқда.

Қутлуғ кун арафасида республика Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бир гуруҳ олимлари "Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририятида бўлдилар ва давра суҳбатида иштирок этдилар. Суҳбат мавзуси "Давлат, жамият ва Конституция" деб аталди. Қуйида мазкур мулоқотда қатнашган олимлардан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

"ЎЗБЕКИСТОН"

АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР МАЖМУИ

Мириной ФАЙЗИЕВ,
юридик фанлар доктори,
профессор:

— ЎЗ ғояси, хусусий жиҳатлари билан инсон ва жамият манфаатларини кўзда тутган Ўзбекистон Конституциясининг хорижий давлатлар миқёсидаги мавқеи ҳам юқори. Чунки унда халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла амал қилинган ва бу мезонлар аниқ моддаларда ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Бош қомусимизнинг ўзига хос жиҳатлари (принциплари) хусусида фикр юритмоқчимиз. Шуни алоҳида айтиш керакки, давлат суверенитети конституцияда биринчи принцип сифатида қайд қилинган. Зеро, суверенитет бу мамлакат ичкарисида ва ташқи сиёсий соҳада, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва мустақиллигидир. Қомуснинг 1-2 моддаларида баён этилган қоидалар ана шу суверенитетни мустаҳкамлашга қаратилган.

Халқ ҳокимияти — иккинчи конституциявий принцип ҳисобланади. Чунки давлат ҳокимияти халқ манфаатларига хизмат қилади ва фаолияти давомида ҳамиша халққа таяниб иш юритади. Ўз навбатида ҳокимият тизими бир неча тармоқлардан ташкил топиши ҳам конституцияда ўз изоҳини топган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларидан иборат бу тармоқлар турли йўналишларда давлат ҳокимиятининг тасарруфига кирувчи вазифаларни адо этадилар.

Ёдимда бор. Конституциямиз лойиҳаси муҳокама этилаётган йил эди. Оммавий ахборот воситаларида унинг жиҳатлари ҳақида қатор мақолалар пайдо бўла бошлади. Шунда ҳорижлик мутахассислар ҳам, Ўзбекистон фуқаролари ҳам мустақил мамлакатимиз Бош қонунида демократик руҳ принципи кучли эканлигини алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат ҳам шундай. Бу ҳужжатда Ўзбекистон халқининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат ғояларига содиқлиги эълон қилинди. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, қадр-қиймати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадриятлар ҳисобланиши эътироф этилди. Демократияда давлат шакли ва халқ ҳокимиятчилиги белгиланган тартиби тизими кўринишида намоён бўлиб, халқ иродасини ифодалаши баён қилинди.

Истиқлолга юз тутган ёш давлатимизнинг дастлабки йилларида юртбошимиз бизнинг жамиятимизда қонун устувор бўлишини беш тамойилдан бири сифатида белгилаб берган эди. Конституцияда бу тамойил махсус модда билан мустаҳкамланди ва асосий принциплар қаторидан ўрин олди. Биронта қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжат Конституция меъёрлари ҳамда принципларига зид келиши мумкин эмаслиги, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси Конституция ва қонунлар устуворлигининг таъминланишида эканлиги ҳаётий дастуримизнинг 15—16 моддаларида ўз аксини топди.

Халқаро андозалар даражасида ифодаланган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ва мажбуриятлари, тинчлиги ва дахлсизлиги принципи Қомусимизнинг энг асосий жиҳатларидан биридир. Бу Инсон ҳуқуқларининг бутун жаҳон декларацияси ва бошқа ҳужжатлар асосида баён қилинди ва V—XI бобларда ўз изоҳини топган "Фуқаро — жамият — давлат" тамойили бутунлай ана шу ҳуқуқ ва эркинликларга бағишланди. Асосий қонунимизда давлат ва шахснинг ўзаро жавобгарлиги ҳам мустаҳкамланиб қўйилди.

Шу нарса эътиборлики, жамиятнинг қонун асосида ҳаёт кечириши, давлат органлари маромли фаолият кўрсатишининг асоси ҳисобланади. Шу боис, қонунийлик принципи ҳам конституциядан муҳим ўрин олди. Бу давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоа бирлашмалари, фуқаролар фақат қонунларга мувофиқ иш юритишларини таъминлайдиган принципдир.

Шунингдек, Асосий Қомусда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, суд тузилиши, одил судловни амалга оширишга таллуқли принципларига оид қоидалар ҳам тўла аксини топдики, улар тегишли органларнинг равон фаолият юргизишларини амалда таъминламоқда. Хусусан, суд тузилишига ва одил судловни амалга оширишга доир принципга кўра судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги таъминланди. Судья фақат қонунга бўйсинадиган бўлди. У депутатликка сайлана олмайди, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси ҳам бўла олмайди. Суд мажлиси очиқ ва ошкора олиб борилади. Суд ишлари давлат тилида ва тегишли худуд кўпчилик аҳолисининг миллий тилларида юритилади. Тергов ва суд жараёнининг барча босқичларида адвокат иштирок этади.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизга изчил хизмат қилиб, давлатимизни давлат, миллатимизни миллат сифатида дунёга танитмоқда. Тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган умумжаҳон аҳамиятига молик ҳужжат сифатида ҳурмат ва эътибор қозонмоқда.

ТАРИХ ВА КЕЛАЖАККА ДАҲЛДОР

Лейле БУРХОНОВА,
институт давлат, ҳуқуқ назарияси ва тарихи бўлими мудири, юридик фанлар номзоди:

— КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ беш йиллиги нишонланаётган ушбу қутлуғ кунларда мен Асосий қонунни ишлаб чиққан комиссия аъзоси бўлган вақтларимни қувонч билан эслайман. Конституциянинг шаклланиши мураккаб ва узоқ давом этган жараёндир. Шунинг учун у босқичма-босқич амалга ошиб борди. 1989 йилда, яъни биринчи босқичда сайлов Низоми, қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи ҳокимиятни ташкил қилиш, уларнинг фаолияти, судьяларни сайлаш таркиби конституциявий назорат қўмитасини таъсис қилишга оид қоидалар қайта кўриб чиқилди. Кейинги босқичда, 1990—1991 йилларда ҳокимиятларни тақсимлаш ғояси амалиётга тадбиқ қилинди. Республика Президенти лавозими жорий этилди. Жамиятда кўп партиялилик қарор топди. Учинчи босқич — 1991—1992 йиллар — бу асосий қонунни муҳокама қилиш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичи бўлди.

Шуни таъкидламоқчиманки, 1992 йилги конституциявий ислоҳот халқнинг ўз суверен давлати, сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги муваффақиятлари учун миллий ғурур кўтаринкилиги остида ўтди.

Ўзбекистон Конституцияси янги боблар ва қоидалар киритилганлиги билан олдинги конституциялардан фарқ қилади. Хусусан, унда республика ташқи сиёсатининг кенг талқини берилди. Мамлакатимиз ташқи сиёсатнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида давлатларнинг суверен тенглиги, қўл ишлатмаслик, чегаралар дахлсизлиги, ҳар қандай можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқ тамойилларига амал қилишида бу талқин тўла намоён бўлди.

Яна шу конституциямизда жамиятимизнинг асосий таянчи бўлган оилага оид қоидаларга, тилга алоҳида боб ажратилди. Бу унинг ўзбек тилига давлат мақоми берилишини конституциявий мустаҳкамлаб, конституциявий назорат қўмитасини жорий қилиш ва яна бошқа жиҳатларида ўз аксини топди. Мен Бош Қомусимизнинг энг муҳим фарқли томони унинг ишлайдиган Конституция эканлигини, унда давлатчилигимиз тарихи ва келажагига дахлдор бўлган барча талаблар ҳисобга олинганлигини эътироф этиш билан ўзимни бахтиёр сезаман. Бу узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатадиган жаҳоншумул ҳужжатдир.

ҲАР БИР БОБДА — ЯНГИЧА МАҚОМ

Санам ЮНУСОВА,
институт илмий ходими, юридик фанлар номзоди:

МУСТАҚИЛЛИК йиллари ичида юртбошимизнинг бир қатор китоблари чоп этилди. уларни мунтазам ўқиб бораман. Зеро, бу асарларда янги ҳуқуқий давлатга ўтишнинг пухта қоидалари ишлаб чиқилган. Улар конституцияга тўла дахлдордир. Бизнинг ҳуқуқий сиёсатимиз ўз миллий давлатчилигимизни, иқтисодиётимизни ва маънавиятимизни камолот чўққисига олиб чиқишга қаратилган.

Ўзбекистон истиқлолга юз тутгандан бери олти йил ўтди. Шу вақт мобайнида 300 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди ва бу иш давом этмоқда. Мана шу қонунларни қабул қилишда, такомиллаштиришда, шунингдек, Республика Олий Мажлисига ҳавола этилган қонунлар лойиҳаларининг муҳокамасида жамоатчилик фикри алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу фикрнинг муҳимлиги асосий Қонунимиз лойиҳасини, ўзбек тилига Давлат мақоми бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида яққол кўзга ташланди. Бу норматив актлар умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Жамоатчилик турли моддалар юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин оммавий ахборот воситаларида баён қилди. Ниҳоят, конституция ҳам, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги қонун ҳам ана шу фикрлардан оқилона фойдаланиб, қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий комиссиясининг расмий маълумотига кўра 1992 йил сентябридан декабригача бўлган вақт ичида Асосий қонун лойиҳаси муҳокамасида кўплаб фуқаролар қатнашганлар. Улар комиссияга 6 мингдан ортиқ турли таклиф ва истаклар билан мурожаат қилганлар. Ана шу хатлар ўрганилганда лойиҳадаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шахс дахлсизлиги, эътиқод эркинлиги, диннинг жамиятдаги ўрни ва ролига, иқтисодий ҳуқуқларга, мулкчилик ҳуқуқига, тадбиркорлик ва бозор муносабатларини ривожлантиришга, давлат ҳокимияти бошқаруви, суд тизимини, прокуратура фаолиятини мукаммаллаштиришга, ҳуқуқий тарғиботнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга бағишланган бўлимлар, боблар ва моддалар ҳақида меҳнаткашлар ниҳоятда ўринли истакларини билдирганликларини комиссия алоҳида таъкидлади.

Яна шуни қайд этиш керакки, жамоатчилик фикри натижасида вужудга келган таклифлар ва мулоҳазалар билан конституциявий комиссия раиси Ислом Каримовнинг ўзи танишиб чиқди. Асосий қонунни тайёрлашда булар инобатга олинди.

Бош Қомусимиз ва турли қонунлар лойиҳалари юзасидан жамоатчиликдан тўпланган фикрлар самарали эканлиги ҳисобга олиниб шу йили республикамизда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича марказ ташкил этилди. Ҳозирги пайтда жамоатчилик фикрини таҳлил қилиш, уларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш ҳуқуқшунослик фанининг янги истиқболли йўналиши ҳисобланади. Бу жараёнга бундан буён эътибор янада ортиб бораверади.

АЁЛЛАРНИНГ ЎЗИ БИР ОЛАМ

Гўзал АБДУРАЗЗОҚОВА,
институт илмий ходими:

— РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришгандан сўнг инсон ҳуқуқларига 1992 йили қабул қилинган конституцияда алоҳида ўрин ажратилди. Хусусан, хотин-қизлар билан эркакларнинг ҳуқуқлари тенг эканлиги махсус бандда ўз ифодасини топди. Президентимиз Ислом Каримов "Жамиятда хотин-қизларга бўлган муносабат шу жамият қай даражада етук эканлигидан далолат беради", деб бежиз таъкидламаган эди. Зеро, бозор иқтисодиётининг ўз қонуниятлари бор. Уларга мослашиш, шу жараёндаги талабларни ҳисобга олиб иш юритиш мобайнида хотин-қизларнинг давлат томонидан тадбиркорлик борасида қўллаб-қувватланаётганлиги бу жиҳатдан эътиборга лойиқдир.

Бундай ғамхўрлик юртбошимизнинг кўп болали оналарга тўланадиган нафақаларни ошириш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, ёлғиз оналарга кўрсатилаётган имтиёзларга дахлдор фармонларида, ҳукуматимиз қарорларида ифодасини топмоқда. Кўпгина корхоналар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, болали оналарга қўшимча нафақалар тўлаётганлиги, пенсиядаги аёлларни вақти-вақти билан рағбатлантириб бораётганлиги ибратлидир.

Гап хотин-қизлар ҳуқуқи ҳақида экан, Республикамиз Олий Мажлиси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини поймол қилишнинг барча шаклларини йўқ қилиш тўғрисида"ги ва 1952 йилда Женевада қабул қилинган "Оналикни муҳофаза этиш тўғрисида"ги конвенцияларга қўшилганлиги ва ана шу ҳужжатлар асосида иш олиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Уларда санаб ўтилган демократия қоидалари давлатимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилади. Бу борада хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи биринчи ўринда туради. Ана шу жиҳатдан олганда Тошкент вилоятида анча самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларида очилган кичик корхоналарда юзлаб аёллар тикувчилик, тўқувчилик ҳамда бошқа ҳунармандчилик ишлари билан шуғулланмоқдалар. Жанубий Корея билан ҳамкорликда бунёд этилган "Тўйтепа-Кобул текстиль" қўшма корхонасида эса 2300 дан зиёд хотин-қизлар учун янги иш жойлари барпо этилди. Айни пайтда "Маҳалла" хайрия, "Соғлом авлод учун", "Камолот" жамғармалари биргаликда оналикни муҳофаза қилиш, маънавият, фарзанд тарбиясида аёлларнинг ўрни масалалари билан изчил шуғулланмоқдалар. Бу борада вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва жойлардаги унинг бўлинмалари фаоллик кўрсатишмоқда.

Юқорида санаб ўтилганларнинг ҳаммаси хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини чуқур англашларини таъминлашга, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий фаолиятларини юқори поғонага кўтаришга қаратилган. Аммо шуни ҳам кўзда тутиш керакки, мазкур тадбирлар катта ва истиқболли йўлдаги биринчи қадамлардир. Бу қадамларни янада жадаллаштириш ҳар биримизнинг диққат марказимизда бўлиши керак.

ХАЛҚ —ҲОКИМИЯТ МАНБАИ

Людмила БОЙКО,
институт катта илмий ходими,
юридик фанлар номзоди:

— ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституцияси жамият ва давлатнинг фаолиятини йўлга қўйишда улар иродасининг ифодачиси, халқ ҳокимиятини ташкил этиш жараёнида асосий бошқарувчи сифатида майдонга чиқди. Халқ ҳокимияти Асосий Қонуннинг энг муҳим бошланғич бўғини ҳисобланади. Айни пайтда унинг ўзи амалга оширадиган тамойилларга эга. Халқ ҳокимияти — бу ҳокимиятнинг амалда халққа тегишли бўлишидир. Унинг ривожланиши учун ҳуқуқий имкониятлар республика Конституциясининг ҳамма бўлимлари ва бобларида кафолатланган. Айни пайтда халқ ҳокимияти тизими Конституциянинг "Халқ ҳокимияти" деб номланган иккинчи бобида ҳам ўз ҳуқуқий ифодасини топган ва 7-14-моддаларни қамраб олган. Хусусан, Конституциянинг 7-моддасида: "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти давлат манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади", дейилади. Асосий Қонуннинг 8-моддаси бўйича "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади", дейилганки, бу талқин республикамизда турли миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб яшаётганликларини ва меҳнат қилаётганликларини кўрсатувчи ва шунга даъват этувчи қоидадир.

Бизнинг жамиятимизда халқимиз турмуш тарзи, давлат фаолияти билан боғлиқ энг муҳим масалалар омма муҳокамасига олиб чиқилади, умумхалқ референдумига қўйилади. Ана шу қоидалар эса Конституциянинг 9-моддасида кафолатлаб қўйилган.

Бош Қонунимизда халқ томонидан сайланган Олий Мажлис ҳамда Президент халқ номидан гапириши мумкинлиги баён қилинган. Жамиятнинг ҳеч бир қисми, ҳеч бир сиёсий партия, ижтимоий бирлашма, ҳаракат ёки алоҳида шахс халқ номидан гапира олмайди. Конституциянинг 10-моддаси демократик йўл билан шаклланган халқ иродасининг мана шу тартибига бағишланган.

Суиистеъмолчиликлар бўлмаслиги учун назария ва амалиёт ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниш тизимини вужудга келтирди. Қомуснинг 11-моддасида ифода этилган бу қоидага кўра суд ҳокимияти мустақиллиги алоҳида таъкидланган. Айни пайтда Конституциянинг 12-моддасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар кўп турлилиги асосида ривожланиши ҳам таъкидланган. Шунингдек, мустаҳкамлаб қўйилган демократик институтлар (13-модда) умуминсоний қадриятларни амалга оширишга имконият яратиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланиши, бошқа фуқаролар ҳуқуқлари жамият ва давлатга зарар келтирмаслиги кераклиги қайд қилинган.

ОЛИЙ ВАКОЛАТЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Гулбаҳор МИРЗАЕВА,
институт изланувчиси:

— КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 76-88-моддалари Ўзбекистон Республикаси вакиллик органи — Олий Мажлисга бағишланганига қарамай, 1994 йилда Парламент Олий Мажлис ҳуқуқий мақомига бағишланган махсус конституциявий қонун қабул қилди. Шу ҳуқуқий ҳужжатга биноан Республика Олий Мажлиси қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи мақомига эга бўлди. Олий Мажлиснинг мутлоқ ваколатлари 24-банддан иборат қоидалар билан ҳар иккала ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилган.

Республика Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида ўз фаолиятини мажлислар, яъни сессиялар чақириш орқали юргизади. Олий Мажлис ишининг ташкилий шакли сессия ҳисобланади.

Олий Мажлис — сессия, шунингдек, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган йиғилишларидан иборат бўлади. У бир йилда камида икки, уч марта чақирилиб келинмоқда. Навбатдан ташқари сессия чақириш ҳам мумкин. Бу ҳолда Олий Мажлиснинг Раиси томонидан унинг ташаббуси билан ёки Республика Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки Олий Мажлис депутатлари камида учдан бир қисмининг таклифи билан чақирилади. Олий Мажлиснинг сайловдан кейингибиринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан сўнг кечиктирмай чақирилади.

Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси томонидан очилади ва Олий Мажлис сайлангунга қадар олиб борилади. Олий Мажлиснинг йиғилиши унинг ишида жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

Шуни эътиборда тутиш керакки, Конституциямизга мувофиқ Олий Мажлис, унинг органлари мажлисида Республика Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик судининг раислари, Бош прокурор, Республика Марказий банки бошқарувчисининг раиси иштирок этишлари мумкин.

Олий Мажлис раиси ҳудудий депутатлар гуруҳлари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан депутатлар орасида яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис ваколати муддатига сайланади. Раис этиб, бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас. У муддатидан илгари чақирилиб олиши мумкин.

Қомусга кўра Олий Мажлис раиси Конституция ва конституциявий қонунга асосан муҳокамага қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади; сессияларни чақиради, Олий Мажлис қўмиталари, комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради, қонунларнинг бажарилишидаги назоратни таъминлайди. Олий Мажлис раисининг ўринбосарлари, қўмита ва комиссия раислари этиб сайлаш учун улар номзодларини Олий Мажлисга тақдим этади.

Шунингдек, Олий Мажлис Раиси қонунга мувофиқ қўмиталар ва комиссиялар раисларининг тақдимига мувофиқ ўринбосарлари ва котибларни тайинлайди, қўмита ва комиссиялар таркибини ўзгартира олади, матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, ҳар хил сметаларни тасдиқлайди ҳамда қарорларини имзолайди, ўз ваколатидаги масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

Раис ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили бўлади. Олий Мажлис ишини ташкил этиш учун Олий Мажлиснинг Кенгаши тузилади. Уни таркибига Раис, Раиснинг ўринбосарлари, қўмита комиссияларининг раислари ва Олий Мажлис расмий фракцияларининг вакиллари киради. Унинг ваколатлари сессия кун тартибини тасдиқлаш, Олий Мажлиснинг қарорлари ижроси тўғрисида ахборотларни тинглаш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш, лойиҳаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, депутатларни ишдан бўшатишга розилик бериш каби масалалардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолият кўрсатишини таъминлаш учун Котибият тузилади. Барча қолган масалалар Олий Мажлиснинг иш тартибида ўз ифодасини топади.

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТЛАР САФИДА

Муҳаббат ОХУНЖОНОВА,
институт илмий ходими:

— РЕСПУБЛИКАМИЗ бутун жаҳон жамоатчилиги олдида ўзининг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган мақомларига содиқлигини ўз Конституциясида мустаҳкамлади. Натижада мамлакатимиз энг танилган, бообрў давлатлар ташкилотларига киришига йўл очилди. Бу ўз навбатида дипломатик алоқалар, иқтисодий ҳамкорликлар, маданий муносабатлар учун кенг имкониятлар яратиб берди. Ўзбекистонни жуда кўплаб мамлакатлар тан олганлиги, унинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Асосий Қомусда баён этилганидек, юртимизнинг инсон ҳуқуқларига, демократик ғояларга садоқати, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлигини таъминлашни кўзда тутганлиги, барча давлатлар суверенитетини ва чегаралар дахлсизлиғини тан олиш, куч ишлатмаслик, дўқ-пўписа қилмаслик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя этиши унинг мавқеини тобора мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг кўпгина давлатлари билан биргаликда ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди. Бу ташкилотлар доирасида давлатлараро транспорт йўлларини биргаликда қуришга доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга фаол қўшилди. Ушбу бош йўлларнинг барпо этилиши Ўзбекистонни Европага, Форс кўрфазига, Ҳинд ва Тинч океанларига олиб чиқади ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан ташқи алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақиллик йиллари ичида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳам бўлди. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги мамлакатимизда ваколатхоналарини очиб, қўшма корхоналар барпо этишда иштирок қилмоқда. Республиканинг асрлар мобайнида ташқи дунёдан ажралиб қолганига барҳам берилмоқда.

Шу йилнинг 4 ноябрида мамлакатимиз Парижда ўтаётган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 29-сессиясида республикамиз биринчи бор халқаро ташкилот — ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг аъзоси этиб сайланганлиги ниҳоятда катта воқеадир. Зеро, Ижроия Кенгаш ЮНЕСКОнинг олий органи — Бош конференция сессиялари оралиқ давридаги раҳбар орган ҳисобланади. У 58 тагина давлат вакилларидан иборат, холос. Сайланиш муддати тўрт йил.

Ўзбекистоннинг Ижроия Кенгашда иштирок этиши ЮНЕСКОнинг республикамиз буюк олим ва мутафаккирларининг математика фанлари, астрономия, тиббиёт, фалсафа ва меъморчилик соҳалари бўйича дунё хазинасини бойитишдаги хизматларининг тан олинишидир. Айни пайтда таълим ҳамда Марказий Осиё халқларининг бой маданий ва маънавий меросларини сақлаш соҳасида олиб бораётган республикамиз давлатчилик сиёсатига бўлган катта ҳурматдир.

***ДАВРА** иштирокчиларининг суҳбатларидан сезилиб турибдики, йиллар ўтган сайин инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий жиҳатлари, давлат ҳокимиятининг тузилиши, унинг идоралари фаолиятини ташкил этишнинг мезоний қоидаларини ўзида акс эттирган Конституциямизнинг инсонпарварлик ғоялари тобора равшанлашиб бормоқда.*

Асосий Қомусимиз ўзининг туб моҳиятига кўра умумхалқ манфаатини, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва бурчларини тўла ифодаловчи, мамлакатимиз равнақини кўзловчи тарихий ҳужжат эканлиги янада яққолроқ намоён бўлди.

Айни пайтда ўтган вақт мобайнида ундаги мақсад ва ғоялар Қомусимизнинг тамомила ҳаётийлигини, умумбашарий эканлигини амалда кўрсата олди.

МУҚАДДАС ОИЛА

Конституция байрами арафасида Янгийўл тумани Нов қишлоғида истиқомат қилувчи Сайфиддин ота билан Майрам аялар ўзларининг олтин тўйларини нишонладилар

Ўша кун, ўша оқшомни Сайфиддин ота ҳамиша ҳаяжон билан эслайди. Фарзандлари, келинлари, қуда-андалари, неваралари, қариндош-уруғлари Сайфиддин ота билан Майрам аяларнинг турмуш қурганликларига эллик йил тўлган кунларини, олтин тўйларини нишонлаш учун падари бузрукворлари, меҳрибон волидаларини қутлаш, табриклаш учун йиғилган эдилар. Қутлов сўзлари айтилди, совға-саломлар берилди.

Бундай кезларда табиийки, ҳар қандай инсон ҳам ниҳоятда хушнуд, шодмон бўлади, хоҳласа-хоҳламаса ўзининг ёшлик йилларини, ўтган кунларини эслайди. Сайфиддин ота ҳам ҳозир ана шундай ҳолатда: бундан эллик йил муқаддам ихчамгина ўтган никоҳ кечаси кўз ўнгида гавдаланар, айниқса, нуроний отахонлардан бирининг "ували-жували, пиру-бадавлат бўлгин, болам" деб берган оқ фотиҳаси қулоғи тагида янгидан жаранглагандек бўлади. Лекин, айтиб кўяй, деганди отахон, бу дуонинг ижобат бўлиши ўзингга, меҳнатингга, хулқ-атворингга боғлиқ. Тўғри бўл — ҳеч вақт эгилмайсан, ғирромлик қилма — қоқилмайсан, жамоатчилик олдида уятга қолмайсан...

Сайфиддин Шамшиев бу ўгитларга ҳар қандай шароитда ҳам амал қилишга ҳаракат қилди. Отадан жуда эрта ажралди, ғам-андуҳни меҳнат билан енгиш учун жазм этди. Ёш ва ғайратли йигит катта қурилишларда, канал қазиш ишларида фаол қатнашди. Айниқса, у шаҳримиздаги катта кўлни қазишда жасорат кўрсатди. Шахсан Файзулла Хўжаевнинг ўзи бу меҳнати учун унга таҳсинлар айтди. Ўша пайтда энг қимматбаҳо ҳисобланган патефонни совға қилди. Ана шу зайлда кунлар, ойлар ўтди. Бу орада уруш бошланди. Сайфиддин ака кўплар қатори урушдан ғолиб бўлиб қайтди. Зобит йигитни қишлоқ қучоқ очиб кутиб олди. У яна меҳнатга шўнғиди. Зовур қазиш ишларида фидойилик кўрсатди. У ҳаммадан барвақт ишга келиб, тиним билмай меҳнат қилар, кунига 25-30 куб метргача тупроқ қазирди. Йигитнинг меҳнат довруғи туман раҳбарлари қулоғига ҳам етиб келди. Туманнинг ўша пайтдаги энг Катта раҳбари ўзи келиб, Сайфиддиннинг ишига тан берди. Сен бизга кераксан, туманга бор, ишга оламиз, деди. Борди. Унга туман миқёсидаги раҳбарлик ишларидан бири топширилди. Лекин, бор-йўғи саккиз синфни битирган йигит учун бу вазифани эплаш мушкул бўлди, соҳадан бутунлай хабарсиз эди. Ўрганиб кетасан, ёрдам берамиз, дейишди. Барибир бўлмади. У Каттанинг олдига кирди. Менга бошқа иш беринг, қўлимдан келмаяпти. Виждоним қийналяпти, деди. Бошлиқ ўйлаб кўрамиз, деди. Айримлар эса, қизиқ йигит экансан-ку, сенга ҳеч ким ҳеч нарса демаяпти, ойлигингни олиб турибсан, ишлайвермайсанми, дейишди. Йўқ, мен ундай қилолмайман, деб қатъий айтди Сайфиддин.

— Бу йигитга қандай иш берамиз, — деди Катта. Шунда кимдир Сайфиддин курашларда ҳам қатнашиб келаётганлигини, физкультура — спорт ишларига қизиқишини айтишди. Ана шундан сўнг уни туман физкультура ва спорт қўмитасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Бу ишда у жонбозлик, ташкилотчилик кўрсатди. Бу орада олий ўқув юртига ўқишга кириб, меҳнатдан ажралмаган ҳолда, сиртдан таҳсил олди. Шундан сўнг яна кўпгина туман миқёсидаги раҳбарлик лавозимларида муваффақият билан ишлади.

1962 йилда эса уни тумандаги хўжаликлардан бирига раис қилиб сайлашди. У ўз фаолиятини бошлар экан, гўё келажакни олдиндан кўргандек, ҳеч кимнинг юраги дов бермаган бир ишга қўл урди: гап шундаки, туманда Карл Маркс номли хўжаликдан иккита эди. Биз хўжалигимизнинг номини ўзгартирамиз, умумий йиғилишда хўжалигимизга шу ерда узоқ йиллар сувчи ва бригадир бўлиб ишлаган атоқли пахтакор Назарали Ниёзовнинг номини қўйишга қарор қилдик, деди. Ўша пайтдаги катталар ёқа ушлашди. Нима деяпсан, ўзи, бу мумкин эмас. Лекин, Сайфиддин ака мутасаддиларга учрашиб, қатъий турди ва мақсадига эришди.

Хўжаликда деҳқончилик ишларини ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш учун астойдил ҳаракат қилди. Лекин, соғлиғи панд бериб кўп ишлолмади. Енгилроқ иш сўради. Шундан сўнг уни тумандаги касаба уюшма ишларига раҳбар этиб тайинлашди. Бу соҳада у йигирма йил ишлади.

У қаерда меҳнат қилмасин, ўз вазифасига ҳалол ва сидқидилдан муносабатда бўлди. Ҳеч вақт дакки эшитмади, доим раҳмат олди. Ўхшатмасдан учратмас деганлари ҳақ экан. Тақдир Сайфиддин акани ўзи каби хушфеъл, хушмуомала ва меҳнаткаш Майрам исмли қиз билан юлдузини юлдузига тўғри қилди. Мен ҳаётда неки ютуққа, бахтга эришган бўлсам, унинг тенг ярмига шу турмуш ўртоғим Майрам шерик, дейди Сайфиддин ака.

Ҳақиқатан ҳам Майрам опа ҳамиша оиласи, бола-чақаси учун турмуш ўртоғи билан баббаравар жон куйдириб келмоқда. У узоқ йиллар хўжаликда оддий жамоа аъзоси бўлиб ишлади, пахта терди, курт боқди. Элнинг олқишини олди.

Икковлон бир бўлиб етти фарзандни ўстириб вояга етказдилар. Ҳозир уларнинг ҳар бири ҳаётда ўз ўрни, йўлини топиб олган. Улар билан ота ҳам, она ҳам фахрланади. Мана, бугун фарзандлар ота-оналари бағрида уларни етти қават кўрпачанинг устига ўтқазиб, иззат-икромини ўрнига қўйишяпти. Сайфиддин ота ҳам, Майрам ая ҳам ўғиллари, қизи, неваралари тимсолида ўзларининг ёшликларини худди ойнада кўргандек кўриб, ҳис этмоқдалар. Бу кунларга етказганлиги учун шукроналар айтмоқдалар...

Мен Сайфиддин ота билан хизмат юзасидан кўп учрашганман. Уларни яхши билар эдим. Қутлагани борганимда хурсанд бўлиб кетдилар. Ҳаётларини ҳаяжон билан сўзлаб бердилар.

Хайрлашаётганимда дедилар: — айримлар "қарилик ғаштини суряпман" десангиз, ижирғаниб қўйишади. "Қарилик — бу касаллик-ку, қандай қилиб гашти бўлади?" Лекин, тиниб-тинчимасангиз, қўлингиздан келадиған иш билан шуғулланишдан эринмасангиз, гашти ана шунда-да!

Сўнг Сайфиддин ота мени ўзлари барпо этган иссиқхонага олиб кирдилар. У ерда лимон ўстирилаётган эди. Олди ҳосилга кирипти. Қўярда қўймай, икки донасини узиб бердилар. Димоғимга гуп этиб, ёқимли ҳид урилди. Назаримда одам бўлиб туғилиб, бир умр одамдек яшаб, меҳнат қилиб келаётган инсоннинг саҳоватидан бир чимдими менинг ҳам қалбимга кириб, сингиб кетгандек эди. Бундай инсон билан яна бир бор учрашганлигимдан ниҳоятда фахрландим.

Носир РИХСИЕВ.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ПОЛВОНЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚАСИ

УЧ КУН давомида Марказий Ҳарбий спорт клуби спорт мажмуида генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишланган халқаро анъанавий турнир бўлиб ўтди. Унда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан 200 га яқин полвон қатнашди. Улар орасида Олимпия ўйинларининг иштирокчилари, жаҳон, Осиё биринчиликлари ва жаҳон кубоги мусобақаси совриндорлари бор эди.

Беллашувлар 8 вазн тоифасида бўлди ва барча вазнларда ғолиблик мезбонларга насиб этди. Исматилла Жабборов (54 килограмм), Дилшод Орипов (58 килограмм), Шуҳрат Рўзиқулов (63 килограмм), Юрий Витт (76 килограмм), Зафар Очилов (85 килограмм), Григорий Пульяев (69 килограмм), Ислом Кенжаев (97 килограмм) ва мутлоқ оғир вазнда Шермуҳаммад Кўзиевлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олдилар.

ЭЛЛОНЛАР

«ЎЗБЕКНАВО»
гастроль-концерт бирлашмасининг
Тошкент вилояти бўлими
бирлашма қошида ташкил этилаётган
МИЛЛИЙ АШУЛА ВА РАҚС
ЖАМОАСИГА танлов асосида
ХОНАНДА, СОЗАНДА ва РАҚҚОСАЛАРНИ
ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Мурожаат учун телефонлар: 64-83-43, 64-84-93.
Манзилимиз: Қибрай тумани,
«Дўрмон» маданият саройи биноси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИ
"ЎЗБЕКНАВО" гастрол-концерт бирлашмаси Тошкент вилоят бўлими
ФАҚАТ БИР КУН!!!
20 декабрь соат 18.00 да
"ҚЎШИҚ-ЛА ЭЛГА МАНЗУР ХОНАНДАЛАР"
— АЗИМ МУЛЛАХОНОВ — ТОШПЎЛАТ МАТКАРИМОВ — АБДУЖАББОР ЛАТИПОВ — АБДИРАҲИМ МУҲАМЕДОВ — ИЛҲОМ ФАРМОНОВ — "ШАҲЗОД" ва ""СОРБОН"
гуруҳларининг
катта ЯНГИ ЙИЛ дастури
кечада бошқа таниқли санъаткорлар қатори қизиқчиларнинг қизиғи ва қизиқчиларнинг сардори иштирок этадилар.
Уларнинг кимлигини ўзингиз топинг.
Ўзининг ҳазил-мутойибалари билан МАДИНА МУХТОРОВА қатнашади.
Дастурларни ЗУҲРА АШУРОВА ВА МИРСОЛИҲ СОАТОВ олиб борадилар
ШОШИЛИНГ – АРМОНДА ҚОЛМАНГ!!!
Чипталар сарой кассаларида сотилмоқда. Маълумот учун телефонлар: 45-92-51, 64-83-43, 64-84-93.

ДУШАНБА, 8

I
8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ
Муҳтарам телетомошабинлар!
Ўзбекистон телевидениеси 1997 йил 8 декабрь куни ЎзТВ-I дастури орқали соат 6.30 дан 01.40 гача Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган «Демократик тараққиёт мезони» деб номланган узлуксиз кўрсатувлар дастурини намойиш этади.
Узлуксиз телекўрсатувлар ўз мавзу йўналишларига кўра халқимизнинг энг ардоқли байрамларидан бири — Конституция куни, унинг моҳияти, жамиятимизда тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилади.
«Ўзбектелефильм» студияси тақдим этган янги «ҲАЗРАТИ ИНСОН», «ХОНОБОД» телевизион фильмлари, «ДИЁР» кўрсатувининг илк сони, «ҚАЛБ ГАВҲАРИ», «ЭЪТИРОФ», «БИТТА БАЙРОҚ ОСТИДА» каби кўрсатувлар шу кун шукуҳига ҳамоҳанг руҳ беради, телетомошабинларда яхши бир таассурот қолдиради деган умиддамиз.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Табиат дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Қомус — бу ор-номус».
20.15 «Қўшиғимда Ватан тимсоли».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик.
22.10 «Бешинчи ўлчов».
22.30 «Туризм ҳақида».
22.50 «Спорт китъаси».
23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 Кундалик.

III
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Манеж юлдузлари».
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.20 — 21.35
*
21.35 «Кругозор». Тележурнал.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.45
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Тақдир эшиги». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.15 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Тежоғлик иш — бежоғлик».
19.50 «Ҳаҳон».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «Авторейд».
20.40 «Хенбок — корейсчасига бахт демакдир».
20.55 «Ракурс».
21.25 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 7-серия.
22.20 «Истиқлолим — истиқболим».
22.40 «Чинор».
23.30 «Спорт-тайм».
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Мусиқий дастур.
9.20 «Орзулар қанотида».
9.40 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 География.
*
12.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.30 — 14.00 «Товламачи». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғунча» — меҳмонимиз.
18.30 «Исмлар тарихи».
18.45 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.45, 23.35 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тадбиркорлар минбари».
21.20 «Нафосат гулдастаси». Галия Измайлова.
21.50 Телетанлов. «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Наманган вилояти.
22.35 Р. Маҳдиев, Ф. Олимов. «Девона». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
23.40 «Ахборот».
00.05 — 00.10 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Олтин кент».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кино ҳақида...»
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.55 Кундалик.
23.05 «Бизнинг авлод».
23.20 «ТВ плюс».
23.35 — 23.45 Кундалик.

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Ўзбекистоннинг навқирон балети». 1-кўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00 18.20 — 21.35
* * *
21.35 «Отларни ким эгарлайди», «Ўйига қайтиш». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.40
*
22.40 Эълонлар.
22.45 «Дўст кулфатда билинади». Бадиий фильм. 1-серия (Чехия).
23.25 — 23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 20.50 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Очиқ дарс».
20.40 «Телефакт».
20-55 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 8-серия.
21.45 «Бумеранг».
22.15 «Дурдаршан».
22.45 «Долзарб репортаж».
23.05 Мусиқий дақиқалар.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Нафосат гулдастаси». Галия Измайлова.
8.50 Биржа ва банк хабарлари.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сўзана ва чинни буюмлар».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
9.40 «Олам ва одам».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф». Публицистик кўрсатув.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 Телетанлов. «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Наманган вилояти.
11.45 «Тихомиров фожиаси». Бадиий фильм.
13.15 «Шоирлар — болаларга». Туроб Ниёзов.
13.30 «Дутор ва танбур тароналари».
14.05 — 14.25 «Ёшлар — юрт келажаги».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Телеолам».
18.30 «Ўзбекистон ва жаҳон».
18.45 Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол-97» телефестивали.
19.05 «Кишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Адолат мезони».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Истиқлол рамзи».
21.10 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...».
21.50 «Қувасойнинг «Олтин юлдузи».
22.15 Р. Маҳдиев, Ф. Олимов. «Девона». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
23.35 «Ахборот».
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кино ҳақида...»
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 — 00.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Ўзбекистоннинг навқирон балети». 2-кўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00 18.20 — 21.35
*
21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.45
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Ўйғур альбоми». Фильм-концерт.
23.05 «Дўст кулфатда билинади». Бадиий фильм. 2-серия.
23.45 — 00.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ҳаёт карвони».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Автосалтанат».
20.20 «Якташлар» (тат.)
20.50 «Парвоз».
21.10 «Мутахассис». Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
21.30 «Нафосат гулшани».
22.05 «БМТ кўнгиллилари».
22.25 «Мезон».
22.50 «Азизим».
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «»Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...».
9.15 «Болаларга баҳшида умр».
9.35 «Спорт масканларида».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Табаррук қадамжолар».
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Бокира туйғулар».
11.15 «Ана Бумба келди». Бадиий фильм.
12.30 «Туркий уруғлар». Барлос.
12.45 «Рақс, рақс, рақс».
13.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
14.05 — 15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аксасадо ҳақида эртак». Мультфильм.
18.15 «Ҳидоят сари».
18.35 «Шеърият ва мусиқа». Нажибулло Ҳабибуллаев хотирасига бағишланади.
18.55 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 21.55, 22.35, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тафаккур ва тақдир».
21.20 Санъат усталарининг концерти.
22.00 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
22.15 «Дунё адабиёти».
22.40 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
23.00 «Ахборот».
23.30 «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II
9.00 Болалар дунёси.
9.15 «Турфа олам».
9.50 «Нафосат».
10.00 «Зар қадри». Мусиқий дастур.
10.25 «Жараён».
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.30 «Изҳор».
11.55 — 13.25 Видео—«О».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кино жавонидан». «Зирапча».
23.00 «Тун».
23.25 — 23.35 «Даракчи».

III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
* * *
7.30 — 9.00 18.20 — 21.35
*
21.35 «Илҳом». Телефильм.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Скарлетт». Сериал. 1-серия.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.50 — 23.20
*
23.20 «Скарлетт». Сериал (давоми).
00.25 — 00.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Санта Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 «Авлиё Луканинг қайтиши». Бадиий фильм. («Мосфильм»).
21.30 «Ишингиз бароридан келсин».
21.55 «Каталог».
22.10 «Интерспорт».
22.30 «Айчурек».
23.00 «Эллада».
23.25 «Дурдаршан».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 12

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Санъат усталарининг концерти».
9.00 «Юзма-юз».
9.20 XIII Осиё ўйинлари олдидан.
9.40 «Авлод». Публицистик кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Фан фидойиси».
10.20 «Ажойиб гилам». Мульт-фильм.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Ой-44». Бадиий фильм.
13.05 — 14.00 «Сайқал». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Беодоб». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик оқшоми».
18.50 «Футбол мактабларида аҳвол қандай?»
19.05 «Беқасам тўнлар кийиб». Мунира Муҳамедова.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Солиқ ва назорат».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Маърифатнома».
22.05 «Назм ва наво». Огаҳий лирикаси.
22.35 Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг X сессияси олдидан. «Парламент соати».
22.55 «Битик». Адабий-маърифий кўрсатув.
«Мунаввар дунё». Маърифий-дам олиш дастури:
23.25 «Олам».
23.45 Ўз ТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 17-қисм. (Миср Араб Республикаси).
00.30 «Ахборот».
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II
9.00 «Эркатой». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт қўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Болливудга нигоҳ».
10.10 «Дубляж».
10.25 «Сир».
10.40 «Иймон».
11.00 Кино жавонидан. «Зирапча».
12.30 — 12.55 «Тун».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 «Тарозу».
19.00 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.05 «Ёнмаган ёзувлар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Меҳрибонларим».
20.10 «Ривоят».
20.20 «Телекўрсатувлар анонси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ғазал соғинчи».
21.15 Мусиқа ва рақс.
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.35 «Бокс, бокс, бокс».
23.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.40 — 00.50 «Даракчи».

III
17.45 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
* * *
17.50 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Скарлетт». Сериал. 2-серия.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.40 — 23.15
*
23.15 «Скарлетт». Сериал (давоми).
00.10 — 00.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.25 Эълонлар.
19.05 «Умид чечаклари».
19.25 «Бу бўстон аро...»
19.55 «Рангинкамон».
20.25 «Жума куни ишдан сўнг».
20.55 «Тезюрар поезд». Бадиий фильм («Мосфильм»).
22.30 «Маънавият ва Ислом».
22.50 «Араб эстрадаси».
23.20 «Бегойим».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 13

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
8.55 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 17-қисм.
9.40 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.20 «Талабалик йилларим».
10.40 «Сени Ватан кутади».
11.00 «Мунис қалблар».
11.25 «Имконият». Бадиий фильм.
12.50 «Зийнат».
13.10 «Меҳр макони».
13.30 «Беқасам тўнлар кийиб». Мунира Муҳамедова.
13.50 «Нуроний». Тележурнал.
14.10 — 15.10 «Маънавият». Видеоканал
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Лоф уришга ким уста». Мультфильм.
18.10 «Қизиқарли учрашувлар». Зикир Муҳаммаджонов.
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Ҳамма кўриши шарт ... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
22.25 Эркаклар ўртасида волейбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари. Ўзбекистон — Тайвань.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.55 «Куй ва тасвир».
23.15 «Имкон чўққилари».
23.25 Микель Плачидо «Шов-шув» фильмида. 5-серия.
00.55 «Мунажжим башорати».
01.00 — 01.05 «Тунги пойтахт таронаси».

II
9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Тарозу».
9.40 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.45 «Ёнмаган ёзувлар».
10.05 «Меҳрибонларим».
10.20 «Ривоят».
10.30 «Ғазал соғинчи».
10.45 Мусиқа ва рақс.
11.10 «Кинонигоҳ».
12.45 — 13.05 Бокс. Бокс. Бокс.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Кусто командасининг сув ости саёҳати».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Дилбарим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Глобус». Телеальманах.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳанда дўкони».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 Мафтункор чехралар.
22.30 Интерфутбол.
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 Видео—«О».
00.40 — 00.50 «Даракчи».

III
17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.20 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Скарлетт». Сериал. 3-серия.
23.25 — 23.55 «Дарахт ва унинг илдизлари». Телефильм.

IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 Шанба эртаги.
10.45 «Кросс-Рудс кафеси»га хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова). Инглизча ҳамма учун.
11.15 «Биргаликда куйлайлик».
12.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.45 — 13.05 «Корейс тилини ўрганамиз».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.20 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Намасте».
20.30 «Ассалом, Франция!».
21.00 «Болалар сўзлаганда».
21.05 «Рақслар қанотида».
21.35 «Далил ва шарх».
21.50 «Самодаги олмослар». Телесериал.
22.45 «Бу ажиб дунё».
23.00 «Хит-коллекция».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 14

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Олам». Кинокўрсатув.
11.20 «Ҳамма кўриши шарт ... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
12.10 «Кувноқ стартлар».
12.55 «Зиёрат».
13.05 «Маънавият масканлари».
13.25 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.05 «Чорраҳа».
14.25 Эркаклар ўртасида волейбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари. Тайвань — Австралия.
14.55 — 15.45 «Болалигим — пошшолигим».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Инсон ва шер». Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Омад юлдузи».
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Саҳна ҳаёти».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.45 «Спорт, спорт, спорт».
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
22.05 Кино янгиликлари.
22.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
22.40 «Ганг, сувларинг лойқаланди». Бадиий фильм (Ҳиндистон) 1-2 сериялар.
01.20 — 01.25 Ватан тимсоллари.

II
9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Кусто командасининг сув ости саёҳати».
9.45 «Қонун ҳимоясида».
9.55 «Дилбарим».
10.10 «Бизнес-академия».
10.25 «Глобус». Телеальманах.
10.40 «Ҳанда дўкони».
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Мафтункор чехралар».
12.10 Интерфутбол.
12.30 — 14.10 Видео—«О».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Мультипанорама».
18.35 «Кусто командасининг сув ости саёҳати».
19.00 «Синфдош».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
**19.25, 19.55, 20.25, 21

ДИЙДОР

Таҳририятимизнинг адабиёт ва санъат бўлимига сиз азиз муштарийлардан кўплаб хатлар келиб турибди. Уларнинг айримларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар, инсон қалбидаги кечинмалар бадиий бўёқларда ўз аксини топса, айримларида шеърий машқлар, ҳикоя ва ҳажвиялар ўрин олган. Албатта, биз имкон қадар, маъқул топилган ижод намуналаридан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. "ДИЙДОР" деб номланган бугунги дам олиш саҳифамиз ҳам асосан сизлардан келаётган мактублар асосида тайёрланди.

АЛЛА

(Воқеий ҳикоя)

...ЎШАНДА айни баҳор пайти эди. Ойнаси кўча тарафга қараган дарсхонада имтиҳонга тайёрланиб ўтирган Қаноатнинг ёнига қия очиқ деразадан тўрт букланган хат тушди. Қиз ҳайрон бўлиб ташқарига қаради. Ҳеч ким йўқ. Хатда эса бир жумлагина гап: "Қаноатхон, сизни бир соатдан кейин мактаб орқасидаги анҳор бўйида кутаман.

Адҳам".

Қизнинг юраги гупиллаб уриб кетди. Йигитнинг нима учун учрашувга таклиф қилаётганини у таҳминан биларди. Дугоналаридан эшитганди, тенгдошлари қатори Адҳамни ҳам армияга чақиришаётган экан. Демак, кетаркан-да...

Қаноат айтилган жойга келганда Адҳам ан-ҳор четидаги кўк майсаларга завқ билан тикилиб ўтирарди.

— Салом, Адҳам ака. Мен келдим!..

Адҳам сапчиб ўрнидан турди.

— Ҳайрият, Қаноатхон. Мен келмай қоласизми деб қўрққан эдим. Эртага... хизматга кетаяпман. Охирги марта сизни кўрай деб...

— Йўқ, Адҳам ака, охирги деманг, биз ҳали кўп учрашамиз...

...Ҳа, улар кўп учрашдилар. Аввалига хат орқали. Адҳам армиядан қайтгач эса ўша таниш анҳор соҳилида бир неча бор дилдан суҳбатлашдилар, сирлашдилар. Бу орада Қаноат медицина билим юртини тамомлаб, туман касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлай бошлаган эди. Қаноатнинг тўйини кўраман, деб не-не орзулар қилиб юрган Ёдгор ака эса ҳасталаниб ҳаётдан кўз юмди. Ҳайҳотдай уйда она-бола ёлғиз қолишди.

Отанинг маъракалари ўтгач, ўша ёз ичи Адҳам билан Қаноатнинг тўйлари бўлди. Лекин нимагадир икки ёшнинг оиласидаги тотли дамлар кўпга чўзилмади. Устига-устак оилани мустаҳкамловчи фарзанд бўлмади... Эҳтимол шунданми, Қаноат бора-бора Адҳамнинг кўзига хунук бўлиб кўрина бошлади. Унинг феъл-атвори айниб қолганини Қаноат ўзича тушунди: бир хонадонда уч оила, жаъми 12 жон яшаймиз. Шундан сиқилаётганмикин?

— Ойимнинг олдиларига бориб турсакмикина? — маслаҳат солди бир куни тортинибгина.

— Менинг онам сизнинг ҳам онангиз-ку, ахир. Онам бечора тез-тез бетоб бўлиб қолаяптилар. Ундан кейин, уйлансалар укангизга ҳам жой керак...

Адҳам аччиқланиб кетди, кўчадан ичиб келиб Қаноатни ҳақоратлай бошлади:

— Сен менга иккуёвликни лозим кўрдинг-а?! Тенгқурларим орасида ўгай бўлиб, бола-чақасиз юрганим етмасмиди?! Онанг керак бўлса, бор, кетавер! Қўшқўллаб жавобингни бераман!..

Қаноат илк бор ўзини гуноҳқор сезди. Юм-юм йиғлаганча келинлик уйидан чиқиб кетди. Онаси чиндан ҳам бетоб эди, унга "куёвингиз сизга қараб тургани бир-икки ҳафтага руҳсат бердилар", — деб кўя қолди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Қаноатнинг қўлига суддан йўқлов қоғози келди. Ҳеч қандай тортишувларсиз ажрашдилар. Қаноат аламини фақат йиғидан олар, бутун қалби билан севган, ишонган кишисидан айрилиб қолганига ҳеч ишонгиси келмас эди. Ичдан куюнавериш оқибатиданми, ҳар қалай Қаноат соғлигидан тез-тез шикоят қиладиган бўлиб қолди. Ҳамкасбларининг маслаҳати билан касалхонада даволанадиган бўлди.

Марказий касалхонагача саккиз чақиримча йўл юриш керак. Қаноат катта йўлга чиқиб, автобус кутиб турганди, шаҳар томондан тўй машиналари кўриниб ёнгинасига келганда, рўпарадаги кўчага секин бурилди. Олд капотига қўғирчоқ ўтқазиб қўйилган оппоқ машина ичида башанг кийинган куёв келинга кулимсираганча алланарсаларни гапириб борарди. Қаноатнинг юраги гўё узилиб тушди! Куёв — Адҳам эди!

Худди тўй бўладиган куни Қаноатни операция столига ётқиздилар. Унинг кўзларидаги маржон-маржон ёшлар ёноқларида қотиб қолганди гўё. Худди шундай пайтда унинг тепасида оқ халатли шифокорлар ўрнида Адҳамни кўришни истарди у.

— Эй бевафо дунё! Нега бунча бешафқатсан, нега бунча бесабрсан! Наҳотки муҳаббатнинг умри шунчалар қиска! — ўкириб-ўкириб йиғларди унинг қалби. Лекин...

Шифокорларнинг, айниқса, дўсту-дугоналарининг меҳрибончилиги туфайли Қаноат оёққа туриб кетди. Ўзим учун бўлмаса ҳам, энди ёлғизгина онамнинг омон юриши учун яшайман! — ўзига ўзи сўз берди у...

* * *

...Адҳам машинадан тушди-ю, ёмғир тезламасдан дўстининг ҳовлисига етиб олиш учун қадамини тезлатди. Бироқ, худди у билан қувлашмачоқ ўйнаётгандай ёмғир ҳам забтига олди. Аксига олиб, ёмғирпўшини ҳам олмаган экан. Ичида хотинини қойиди: "Хотин деган мундоқ ўтли-шудлироқ бўлмайдими. Шу ҳавода йўлга чиқаётганимни кўрувди-ку!"

Ёмғир ниҳоятда тезлаб кетгач, Адҳам ўзини йўл четидаги дарвоза ва дераза ромлари нақшинкор қилиб ишланган уй панасига олди. Шу ерда туриб ёмғирнинг бироз секинлашини кута бошлади. Ногаҳон... Ногаҳон Адҳам турган дераза ортидан унинг қулоқларига таниш овоз чалингандай бўлди. "Ахир бу овоз..." Унинг юраги гупиллаб уриб кетди. Ўзини унутиб, қиягина очиқ деразадан ичкарига мўралади. У ерда... ёшгина жувон бешикда ётган боласига алла айтарди:

Алла айтай, жоним болам,
ойдек болам, алла-ё,
Ўзим сендан айланайин,
тойдек болам, алла-ё...

Қаноат!.. Адҳамнинг бўғзида оҳиз бир хирқироқ пайдо бўлди. У шу тобда аланга ичида қолгандек ўзини беҳол сезарди. О, табиат, унинг қилмишлари оқибатини ўзига кўрсатиб қўйиш учун шундай ёмғир юборганмидинг! О, парвардигор, муҳаббатнинг уволи не бўлишини билдириш учун унинг оёқларини шу дераза тагига етаклаганмидинг! Ахир мана, бир пайтлар унинг севиклиси бўлган аёл бешик қучоқлаб фарзандига алла айтаяпти. Адҳам-чи? У ҳамон фарзанд доғида куяди... Аммо энди на чора? Чунки севги ришталарига Қаноат эмас, Адҳамнинг ўзи тиғ тортди-ку! Нимага бунчалик ажралишга шошилди? Янги ёр истаб қолган юраги нимани истаган эди, ўшанда? Ахир алла эмасмиди ўша излагани?! Мана, ўша АЛЛА! Аммо бу алланинг энди Адҳам учун ҳеч қандай алоқаси йўқ! Йўқ!.. Йўқ!..

Адҳам шаррос ёмғирда югуриб кетди. Шу тобда у кўчага нима учун чиққанини ҳам, қаёққа кетаётганини ҳам унутган эди. Ҳатто фалакдан ёғилаётган муздек ёмғир ҳам алангада тўлғанаётган юрагини босолмас, афсус-надомат тўла кўз ёшлари эса ёмғир томчиларига қўшилиб, ёноқларидан дувиллаб тўкиларди...

Мухтор БЕК,
Тошкент.

СИЗНИ ҚАЙДАН ТОПАЙ...

(Жўнатилмаган мактуб)

БИР КУНИ нима бўлди-ю, йўлим хазон қоплаб ётган бир боққа тушди. Менинг кўнглимдек заъфарон тортиб, шоҳларда омонат илиниб турган япроқлар салгина эсган шаббодада қалт-қалт титраб, бошим узра ёғилди. Улар мен билан сўрашмоқни, дардлашмоқни истадилар чоғи. Лекин кўзларимни чирт юмиб олдим. "Истамайман" дея пичирлади лабларим, «дарахтлар ҳам айриликдан азоб чекмоқда" бўғзимдан отилди сўзим, "кўрмоқни хоҳламайман" дерди совуқ ёшлар сизилиб чиқаётган бу чарос кўзим...

Лекин... лекин, изтиробданми, ҳаяжонданми, икки юзим анор каби қизариб борарди. Севги ҳисларига тўймай туриб, айрилиққа дуч келган бу ўжар юрак гуп-гуп урарди... Ҳа, мана ўша бизлар кезган ёлғизоёқ йўл. Ҳов ана, "ўзимизники" бўлиб қолган чинор тагидаги ўриндиқда икки ёш ширингина суҳбатлашиб ўтиришибди. Шу жойдаёқ ортимга қайтаман, ҳали унут бўлмаган хотираларни эсламоққа ўзимда ортиқ бардош тополмай қийналаман. Пичирлай бошлайман: "Эй, худо! Мурувват кўрсатиб, ишқ этдинг ато. Лекин солдинг бошга айрилиқ дардин. Илтижо қилурман, бағрим тилурман, қайта учраштирсанг не бўлар, айтгин?!".

Йиғлайман... Қайга борай энди? Уйгами? Йўқ-йўқ! Уйда менинг бошим боғлаб қўярлар. Қалбимни бир умр доғлаб қўярлар. Кунлар ўтаверар, ўтмай нетарлар, бир кун ўзга уйга олиб кетарлар. Ёр-ёр айтиб оқизарлар кўзимдан ёшим. Наҳот... ўзганинг кўксига қўярман бошим?!.. Оҳ, айтинг жоним, бу тақдир учун сиздамиди хато, менгами гуноҳ? Қани энди мўъжиза бўлса-ю, мени ёр-ёр билан олиб киришажак ҳовли дарвозасидан кулибгина Сиз кириб келсангиз, кўзларимдаги севинч ёшларини бармоқларингиз билан артсангиз... Аммо, булар энди менга армон, армон... Ана, совуқда дилдираб турган дарахтлар ҳам бошларини қайга яширишни билмай, маъюс чайқалмоқдалар. Қулоқ тутсам, уларда, хазин бир қўшиқни куйламоқдалар. Худди менинг қўшиғимдай...

Ҳар қадамда "севдим" деб сўзлайди ошиқ,
Кўз ёшин тўкади, ичади қасам.
Билмайман, ҳавасми ё ёндирар ишқ,
Нетай уни сизга ўхшатолмасам.

Тушунмас, қалбимда ўзга бир одам,
Кўнглимни овламоқ истайди яккаш.
Асло бўлолмагай дардимга малҳам,
Эзгин туйғулардан юрак қонталаш.

Ҳазонрез боғларда сизни изладим,
Сўлиб бораётир бағримда гулим.
Мен Сиз бевафога вафо истадим,
Қайтинг, қайтсангиз-чи, севгилим!..

Чарос ЎСКАНОВА.

ОСМОНДАГИ ОЙ

Етар, дейман шунча зорлик, муштоқлик,
Йигитлик баҳордай барқ уриб ўтар.
Одам боласига ярашмас тоқлик,
Бир дилбар ҳаёли бағримни ўртар.

Майли, у бўлмасин осмондаги ой,
Лайлидай бўлмоғи, ахир, шарт эмас.
Мулойим жилмайиб узатсаю чой,
Узилган тугмамни қадаб берса бас.

Тириклик ишига, кўнгил, кўн энди,
Биз одам боласи — дейман, дил эса:
Менга ер қизлари керакмас, дейди
Ва осмон ойидан тилайди бўса.

Вақтнинг шамолига беролмас бардош —
Ҳатто тош, лаҳзада сўнар чўғ ахир.
Ҳатто қариб борар алпомиш қуёш,
Менинг қуёшчалик умрим йўқ, ахир.

Эй кўнгил, сен мени девона қилма,
Кўзимга кўрсатиб сароб мавжини.
Эл аро номимни афсона қилма,
Замон сиғдирмагай ҳануз Мажнунни.

Ерда тирикликнинг ташвиши қолиб,
Эй кўнгил, мен сенга эркимни берсам,
Осмондаги ойни қучоққа олиб
Фалакда ястаниб ётарман, дерсан.

Осмонидан тушмас мени деб ул ой,
Қўй, хароб этмасин бизни бу ҳавас.
Ер қизи жилмайиб узатсаю чой,
Узилган тугмамни қадаб берса, бас...

Ихтиёр ШОКИР ўғли.
Пскент.

КЎНГИЛ ЙИҒЛАСИН

Кўчалардан тобут ўтиб борганда,
Ғам-қайғудан юрак ўксиб толганда,
Айриликдан кўксинг санчиб қолганда,
Кўзинг эмас, дўстим, кўнглинг йиғласин!

Яқинлар қадрига сафарда етсанг,
Оромлар қадрига саҳарда етсанг,
Роҳатнинг қадрига хатарда етсанг,
Кўзинг эмас, дўстим, кўнглинг йиғласин!

Турар бўлсанг гоҳи инсофинг билан,
Юрар бўлсанг гоҳи савобинг билан,
Алам чексанг гоҳи гуноҳинг билан,
Кўзинг эмас, дўстим, кўнглинг йиғласин!

Баҳодир ШАРОПОВ.

Мушоира

ТЎРТЛИКЛАР

Гўзаллар кўзига ғўзалдир олам,
Шоирлар кўзига ғазалдир олам,
Нопоклар кўради оламни нопок,
Болчининг кўзига асалдир олам...

* * *

Ҳар шоир шеър ичра Навоий эмас,
Тўрт сатр шеър ҳали рубоий эмас.
Шоирга ҳавасманд одамлар мўлдир,
Жон фидо қилмаса, фидойи эмас.

* * *

Осмонда юлдузлар тилагимча бор,
Табиат қудрати билагимча бор.
Вужудим жаҳонни сиғдирар бугун,
Демакки бу олам юрагимча бор.

Мусулмонқул АСҚАРОВ,
Олмалиқ.

ҲАЁТ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ЧУМОЛИГА ОФАРИН

ГАВЖУМ йўлда чумолилар ғужғон ўйнайди. Қўплари емишларини ортмоқлаб тирикчилик пайида. Агар бирон кимса беихтиёр уларни босса-ку, ҳаётлари тамом.

Инсон ҳам шундай. Эртага нима бўлишини билмай яшайверади. Бу, балки, унинг бахтидир.

ПАСТКАШЛИК

Касалхона ҳовлисида эрта баҳорда уч туп қизил атиргул очилди. Беморлар палатада ҳам, ҳовлида ҳам бу гулларга термулиб завқ олардилар.

БИР КУНИ гуллар йўқ бўлиб қолди. Қайсидир пасткаш беморлар қалбидан бу гулларни узиб олди.

Оламни қоронғу босганди, гўё.

АЖРИМ

У ҲАЁТИНИ ўзгартиришни жуда истарди. Лекин ўзгартиришга жазм қилолмасди. Негадир унга омад осмондан тушадигандек туюлаверарди. Бир кун бетоб бўлди ва умр мазмунини ўйлади. Бетоблиги сабаб, ҳаётини ўзгартириш режасини тузди.

Дунёга теран боқиш учун, албатта, бош ёстиққа тегиши шартми?

Абдусаттор ҲОТАМОВ.

ҚАТРАЛАР

ЁЛҒИЗЛИК

ҚУЧОҚҚА сиғмас танаси шудгор бетидек ғадир-будир, тепа шохлари қуриган сада шамолдан зирқираб қирсиллайди. Пастдаги шохларидагина онда-сонда қолган сариқ барглари кексалик қўшиғини шивирлаб куйлайди. Куйидан мунгли маъно оқади: "Қирчиллама пайтимда соямда ҳордиқ олганлар қани? Оёғини тортиб кетди ҳаммаси".

— Афсус, — дейман мен ҳам унинг табиат берган тақдирига ачиниб. — илдизингдан бир ниҳол ўсиб чиққанда эди, ниҳолнинг соясига келганлар шу баҳона сенга ҳам боқиб, неча ўн йиллаб берган соянг хизматини бир лаҳза бўлса ҳам эслаб қўйишармиди?!

Эҳ, ёлғизлик, ёлғизлик...

ОНА ЕРГА ТАЪЗИМ

— БАРДОШИНГГА балли, дейман тошдек заранг ерни ёриб чиққан ниҳолга иҳлосим ошиб, — ёруғ дунёни кўргунга қадар қанча азобга дош берган бу пахлавон. Сомон янглиғ ранги ҳам гувоҳлик бериб турипти бунга.

Шу баҳона бўлди-ю, атайин юмшоқ ерга эккан уруғимнинг ҳануз униб чиқмаганидан ҳафаман: сара эди-ку. Миқ этмай ётаверса?! Ёки ер ёмонмикин?

Деҳқон отамнинг: "Уруғ ерда қолмайди, ернинг шаънига фақат яхши сўз лойиқ" деганини эслаб, ерни кавладим. Уруғнинг мағзини қурт сўриб кетган экан. Шошиб қилган таънам учун узр, дея ерга бош эгаман.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ХАНДАЛАР

✻ НЬЮ-ЙОРК шаҳрига келган ажнабий кечқурун тор кўчада кетаётиб, икки йўлтўсарга тўқнаш келиб қолибди.

— Қани, бор бисотингни чиқар, бўлмаса, бошингни уриб нақ иккига ёриб ташлаймиз, — деб дўқ-пўписа қилишибди улар.

— Майли, ёрсаларинг ёраверинглар. Нью-Йоркда бошсиз-ку, юрса бўлади, аммо, пулсиз юриб бўлмайди, — дебди ажнабий.

* * *

✻ — КЕЧИРАСИЗ, итингизни қачон сотасиз?

— Нега энди сотишим керак экан?

— Кеча итингиз акиллагани ва увиллагани учун хотиним ашула машқини тўхтатишга мажбур бўлди.

— Унда кечирасиз, акиллаш ва увиллашни дастлаб хотинингиз бошлабди.

* * *

✻ ҚАМОҚ муддати тугаб келган икки жиноятчи суҳбатлашарди:

— Хўш, оғайни, чиққанингдан кейин нима билан шуғулланмоқчисан?

— Бирор ерга ишга кириш ниятим бор.

— Сен-чи?

— Мен-ми? Мен, энг аввало, фонар сотиб олмоқчиман.

— Фонарни нима қилмоқчисан?

— Фонарим йўқлиги учун қамалганман: қоронғида пўлат сандиқ деб радиони бураб юборганман.

* * *

✻ — БЕМОРИНГИЗ тузалиб кетди, ҳурматли доктор. Нега бунчалик ташвишланяпсиз?

— Қайси дори-дармондан тузалганини ўйлаб-ўйлаб, ўйимга етолмаяпман.

Мирбаҳодир БАДАЛОВ.

Саҳифани Зарифа ЭРАЛИЕВА тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0811. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 8.734 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6